Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 183 (3684)
ДУШАНБА
14 АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА саҳифаларида

● Урток Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиуми, совет халқи номидан ва шахсан ўз номидан ирқчилик ва ирқий камситишга қарши кураш бўйича Жаҳон конференцияси қатнашчиларини табриклайди.

● СССР ва Финляндия биродарлашган шаҳарлари вакилларининг Киевдаги бешинчи учрашуви 12 август куни ўз ишини тугаллади. Қабул қилинган қўшма ахборотда учрашув Л. И. Брежневнинг ва У. К. Кекконеннинг учрашув қатнашчиларига табрикларида баён этилган истаклар руҳида ўтганлиги таъкидланади.

Учрашувда СССР ва Финляндия ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 30 йиллиги ҳақидаги, биродарлашган шаҳарларнинг, дўстлик жамиятларининг Совет— Финляндия яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссаси ҳақидаги докладлар муҳокама қилинди.

● «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар»—газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимизнинг ҳаётига доир ва чет эллардан олинган турли хабарлар эълон қилинган.



Шаҳримиздаги подшипниклар ремонти заводининг илғор сараловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Галина Феоктистова СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. У смена топшириқларини 130— 140 процент бажаряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қурилиш учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларни ишда сақлаб қолиш борасидаги тадбирларни кўриб чиқдилар.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда қайд этиладики, республика партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қурилишда кадрларни сақлаб қолиш учун меҳнатни ташкил этишнинг илғор методларини, шу жумладан бригада хўжалик ҳисобини, Свердловск бинокорларининг ташаббусини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив-мукофотли формаларини кенг қўлланиш каби имкониятларидан етарлича фойдаланмаяптилар, коллективларни уй-жой билан, маданий ва маиший муассасалар билан таъминлаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар.

Кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишида жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳунар-техника таълими билим юртлари кадрлар тайёрлашнинг эътироф этилган энг самарали методидир, бироқ айрим қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари билим юртларини кенгайтиришга кам эътибор бермоқдалар, уларни қуриш планларини бажармаяптилар, техника ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминламаяптилар.

Баъзи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хусусан саноат ва қишлоқ хўжалик комплекслари қўплаб қурилаётган жойларда ҳамда республиканинг олис районларидаги қурилишларда барқарор меҳнат коллективларини шакллантиришга, ёшларга ҳунар ўргатиш ишларини такомиллаштиришга, социалистик мусобақани ривожлантиришга етарли эътибор бермаяптилар, қурилишларда умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, маиший ва медицина хизматининг нормал ташкил этилиши учун қатгиқ талабчанлик қилмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қурилиш учун ишчилар ва инженер-техник ходимларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳамда уларни муқим сақлаб қолишни тубдан яхшилаш ва муттасил такомиллаштиришни республика партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар, район комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига, қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларига қуйидаги вазифалар топширилди.

— ҳар бир қурилиш ва монтаж трестида, бошқармада ва механизациялаштирилган кўчма колоннада, бинокорлик материаллари саноатти ва қурилиш индустриясининг ҳар бир корхонасида кадрларни тайёрлаш тарбиялаш ва ишда сақлаб қолиш юзасидан тадбирлар комплекси бир ой муддат ичида белгилаб олиниб, сабот билан амалга оширилсин. қурилиш суръати ва сифатини оширишдан иборат катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган барқарор ва жипслашган меҳнат коллективларини вужудга келтириш назарда тутилсин;

— қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг корхоналари коллективларида оммавий ва сиёсий ишнинг савияси оширилсин, социалистик мусобақа бутун чоралар билан ривожлантирилсин, унинг ошкоралиги таъминлансин, ходимлар ўз касби учун ғоят фахрланиш руҳида, топширилган иш учун, коллективларнинг давлат планларини бажаришлари учун масъулиятни сезиш руҳида тарбиялансин;

— уларнинг уй-жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш шароитларини, овқатланишини, уларга медицина ва савдо хизматни кўрсатишни яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин;

— бинокорлик касбларини кенг пропаганда қилиш мақсадида хусусан ёшлар ўртасида ҳунар ўргатиш ишлари кенг авж олдирилсин, илғор бинокорларнинг ёшлар билан учрашувлари, уларнинг матбуотда, телевидение ва радио орқали чиқишларини уюштириб турилсин;

— жамоатчилик асосида ишлайдиган кадрлар бўлимларининг иши активлаштирилсин, уларнинг фаолияти асосан кадрлар қўнимсизлигининг сабабларини социологик тадқик этишга ва уни тугатишнинг тавсияларини ишлаб чиқишга, ишчи кадрлар ҳаракатини ўрганиш методларини такомиллаштиришга қаратилсин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари, Мелиорация ва сув хўжалиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш, Бинокорлик материаллари саноати министрликларига, «Главташкентстрой»га, «Главсредазирсовхозстрой»га, «Узглавводстрой»га, «Узколхозстрой»га, «Узглавстройдревпром»га ва идораларга қаралши бошқа қурилиш ташкилотларига қуйидагилар топширилди:

— қурилиш саноатининг инженерлик жиҳатдан тайёргарлигига, қурилишни индустриаллаштиришга, қурилишларда меҳнатни ва ишларни ташкил этишни кескин яхшилашга, иш вақтининг зое кетишини тугатишга, тармоқлар бўйича планлаштириш ва бошқаришни, кичик механизация воситалари ҳамда механизациялаштирилган асбобларни жорий этишга алоҳида эътибор берилсин ва шу асосда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг оширилиши, бинокорлар меҳнатининг жозибадорлиги ва обрўэътибори муттасил ўсиб бориши таъминлансин;

— қурилишларда илғор тажриба ва аввало КПСС Марказий Комитети маъқуллаган Н. Злобин методи бўйича бригада пудрати ва Свердловск бинокорларининг ташаббуси кенг жорий этилсин;

— қурилишларда мастерлар билан бригадирларнинг роли оширилсин, улар трестларнинг номенклатурасига киритилсин, махсус маълумот олиш ва малакани оширишда уларга ҳар томонлама мадад ва ёрдам берилсин. Ўзбекистон Компартияси шаҳар ва район комитетларига хўжалик раҳбарлари билан биргаликда шаҳар ва районлардаги илғор мастерлар ҳамда бригадирларнинг иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш топширилди;

— ишчи бригадаларни ишларни ташкил этиш ва механизациялашда эришилган даражани ҳисобга олган ҳолда рационал комплектлаш юзасидан тадбирлар системаси белгиланиб, амалга оширилсин;

— бевосита иш жойларида меҳнатни ташкил этиш такомиллаштирилсин, бригадаларнинг меҳнат жараёнлари карталари ва шахсий ҳисоб дафтарлари жорий этилсин, механизациялаштирилган звеноларда кичик механизация участкаларини тузиш кенг қўлланилсин, ишчиларни соз асбоблар билан таъминлаш ва уларни мунтазам суратда янгилаб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги борасидаги ишларнинг ҳаммаси кескин суратда яхшилансин;

— ишбай ишчиларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив-мукофотли системалари билан қамраб олиш 1980 йилда 80 процентгача етказилсин, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш формалари кенг қўлланилсин.

Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарларига:

ишчи кадрларни асосан ҳунар-техника таълими билим юртларида тайёрлаш, янги билим юртлари қуриш ва мавжудларини асбоб-ускуна ҳамда техника билан таъминлашни жадаллаштириш таклиф этилди. Бунинг учун уларга тегишли топшириқлар белгиланди.

Ўзбекистон ССР Госплани ва Госснабига йиллик планларда шу мақсадлар учун зарур капитал маблағлар, асбоб-ускуна ва мебель ажратишни кўзда тутиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 1979—1985 йил ларда қурилиш учун ёш ишчилар тайёрлашни 226.6 минг нафар кўпайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Комитет составида ишчи ёшлар корхона ва қурилишлардаги меҳнатда қандай фойдаланилаётганликларини контроллик қилувчи инспекция тузишга рухсат этилди.

Ўрта бўғин инженер-техник ва раҳбар ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш таълими инструкторларининг малакасини ошириш системасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига республиканинг Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари билан биргаликда Тошкентда уларнинг малакасини оширувчи идоралараро марказни вужудга келтириш тўғрисидаги зарур таклифларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларига бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ходимларининг колхоз аъзолари ва совхозлар ишчилари учун белгиланган индивидуал уй-жойларни қуришда уларга доимий ёрдам бериб туриш топширилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларидан бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридан уларнинг уй-жой майдонларидан фойдаланган кишиларни ишга олган министрликлар ва идоралар саноат, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва корхоналари, маданий ва маиший муассасалар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, шу ташкилотлар ва корхоналарга бир хилдаги уй-жойни қайтариб бериши шартлиги белгиланди.

Ушбу қарорда белгиланган тадбирларни бажариш асосида қурилиш ва монтаж министрликлари ва идораларига бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарига зарур уй-жой фондини вужудга келтириш таклиф этилди, токи ишга янги кирган кишилар ётоқхоналар билан, бир ташкилотда узлуксиз равишда икки йил ишлаган кишилар эса кичик оилаликлар учун мўлжалланган ётоқхоналарда квартиралар билан, бир ташкилотда уч-беш йил ишлагандан кейин эса шинам квартиралар билан таъминланадиган бўлсин. Буларга қурилиш ва монтаж трестлари ҳамда бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ходимларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун тегишли қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларига ўз ходимлари учун уй-жой, болалар муассасалари ҳамда бошқа маданий ва маиший корхоналар қуриш юзасидан топшириқ белгиланди.

Буюртмачиларга белгиланган йиллик пландан ташқари топширилган турар жой майдонининг ярмини эгаллаш ҳуқуқи берилди ва 1978 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб қурилиш ва монтаж ташкилотлари, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмаси қурган уй-жойларининг 10 процентини барча буюртмачилар, ўзлари қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, қурилиш ва монтаж ташкилотларига, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмасига топширишлари ёки уларнинг талабларига кўра шунча миқдордаги уй-жойни, барпо этиш учун зарур бўлган капитал маблағни беришлари керак.

1978 йил август ойидан бошлаб давлат ва колхозлараро қурилиш ҳамда монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ўз маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойларда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ва бошқа идораларга жой ажратиб бериш ва ордер қилиниши.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларига, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарига ходимлар шу ташкилотлардан бошқа ишга олинмаслиги ёки уй-жой шароитларини яхшилаганлиги туфайли маҳаллий Советларнинг, шунингдек министрликлар ва идораларнинг уйларидаги бўшаб қолган квартираларга ўз ходимларини кўчириб киритишга рухсат берилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ходимларининг колхоз аъзолари ва совхозлар ишчилари учун белгиланганидек улар колхоз ва совхозларда эгаллаб турган уй-жойга, томорқа ер участкаларига, уй ҳайвонларини асраш учун шарт-шароитларга ҳамда бошқа ҳуқуқ ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқи сақлаб қолиниши керак.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларида ҳамда Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналарида барқарор коллективларни шакллантиришни жадаллаштириш мақсадида маҳаллий партия ва совет органларига турар жой ва болалар муассасаларида ўринлар ажратиш йўли билан уларга доимий ёрдам бериб туриш топширилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларидан бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридан уларнинг уй-жой майдонларидан фойдаланган кишиларни ишга олган министрликлар ва идоралар саноат, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва корхоналари, маданий ва маиший муассасалар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, шу ташкилотлар ва корхоналарга бир хилдаги уй-жойни қайтариб бериши шартлиги белгиланди.

Ушбу қарорда белгиланган тадбирларни бажариш асосида қурилиш ва монтаж министрликлари ва идораларига бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарига зарур уй-жой фондини вужудга келтириш таклиф этилди, токи ишга янги кирган кишилар ётоқхоналар билан, бир ташкилотда узлуксиз равишда икки йил ишлаган кишилар эса кичик оилаликлар учун мўлжалланган ётоқхоналарда квартиралар билан, бир ташкилотда уч-беш йил ишлагандан кейин эса шинам квартиралар билан таъминланадиган бўлсин. Буларга қурилиш ва монтаж трестлари ҳамда бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун тегишли қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларига ўз ходимлари учун уй-жой, болалар муассасалари ҳамда бошқа маданий ва маиший корхоналар қуриш юзасидан топшириқ белгиланди.

Буюртмачиларга белгиланган йиллик пландан ташқари топширилган турар жой майдонининг ярмини эгаллаш ҳуқуқи берилди ва 1978 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб қурилиш ва монтаж ташкилотлари, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмаси қурган уй-жойларининг 10 процентини барча буюртмачилар, ўзлари қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, қурилиш ва монтаж ташкилотларига, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмасига топширишлари ёки уларнинг талабларига кўра шунча миқдордаги уй-жойни, барпо этиш учун зарур бўлган капитал маблағни беришлари керак.

1978 йил август ойидан бошлаб давлат ва колхозлараро қурилиш ҳамда монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ўз маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойларда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ва бошқа идораларга жой ажратиб бериш ва ордер қилиниши.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларига, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридан ходимлар шу ташкилотлардан бошқа ишга олинмаслиги ёки уй-жой шароитларини яхшилаганлиги туфайли маҳаллий Советларнинг, шунингдек министрликлар ва идораларнинг уйларидаги бўшаб қолган квартираларга ўз ходимларини кўчириб киритишга рухсат берилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ҳамда қурилиш индустрияси корхоналарининг қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ходимларининг колхоз аъзолари ва совхозлар ишчилари учун белгиланганидек улар колхоз ва совхозларда эгаллаб турган уй-жойга, томорқа ер участкаларига, уй ҳайвонларини асраш учун шарт-шароитларга ҳамда бошқа ҳуқуқ ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқи сақлаб қолиниши керак.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларида ҳамда Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналарида барқарор коллективларни шакллантиришни жадаллаштириш мақсадида маҳаллий партия ва совет органларига турар жой ва болалар муассасаларида ўринлар ажратиш йўли билан уларга доимий ёрдам бериб туриш топширилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларидан бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридан уларнинг уй-жой майдонларидан фойдаланган кишиларни ишга олган министрликлар ва идоралар саноат, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва корхоналари, маданий ва маиший муассасалар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, шу ташкилотлар ва корхоналарга бир хилдаги уй-жойни қайтариб бериши шартлиги белгиланди.

Ушбу қарорда белгиланган тадбирларни бажариш асосида қурилиш ва монтаж министрликлари ва идораларига бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарига зарур уй-жой фондини вужудга келтириш таклиф этилди, токи ишга янги кирган кишилар ётоқхоналар билан, бир ташкилотда узлуксиз равишда икки йил ишлаган кишилар эса кичик оилаликлар учун мўлжалланган ётоқхоналарда квартиралар билан, бир ташкилотда уч-беш йил ишлагандан кейин эса шинам квартиралар билан таъминланадиган бўлсин. Буларга қурилиш ва монтаж трестлари ҳамда бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун тегишли қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларига ўз ходимлари учун уй-жой, болалар муассасалари ҳамда бошқа маданий ва маиший корхоналар қуриш юзасидан топшириқ белгиланди.

Буюртмачиларга белгиланган йиллик пландан ташқари топширилган турар жой майдонининг ярмини эгаллаш ҳуқуқи берилди ва 1978 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб қурилиш ва монтаж ташкилотлари, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмаси қурган уй-жойларининг 10 процентини барча буюртмачилар, ўзлари қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар, қурилиш ва монтаж ташкилотларига, шу жумладан «Узколхозстрой» бирлашмасига топширишлари ёки уларнинг талабларига кўра шунча миқдордаги уй-жойни, барпо этиш учун зарур бўлган капитал маблағни беришлари керак.

1978 йил август ойидан бошлаб давлат ва колхозлараро қурилиш ҳамда монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ўз маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойларда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ва бошқа идораларга жой ажратиб бериш ва ордер қилиниши.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларига, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридан ходимлар шу ташкилотлардан бошқа ишга олинмаслиги ёки уй-жой шароитларини яхшилаганлиги туфайли маҳаллий Советларнинг, шунингдек министрликлар ва идораларнинг уйларидаги бўшаб қолган квартираларга ўз ходимларини кўчириб киритишга рухсат берилди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва

КОММУНИСТ ЎРНИ — ОЛДИНГИ САФДА

Август — Ўзбекистон деҳқонлари учун масъулиятли давр. Республика далаларида ўниничи беш йиллигининг учинчи йили мўл ҳосили учун қизғин кураш бормоқда. Республикамиздаги катта хирмони учун курашда пахтакорлар билан бирга шонли «Ташсельмаш» заводининг фидокор коллективи ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Корхона партия комитети секретарининг ўринбосари С. Носовецнинг кабинети гўё диспетчерлик пунктини эслатарди. Тинимсиз телефон жиринглар, кишилар турли масалалар бўйича киришар эди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига сўнгги тайёргарлик олиб борилмоқда. Бу масъулиятли паллада коммунистларда кўпгина саволлар туғилиши табиий.

С. Носовец иш билан ғоят бандлигига қарамай, кайфияти юқори эди. Икки орденли корхона коллективи ўтган йилдаги давлат топшириғини муваффақиятли адо этди. Завод механизаторлари барча кўрсаткичлар бўйича планни бажардилар. Маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш планлари анча ошириб адо этилди. Мамлакатимиз ва чет эл пахтакорларига машинасозлар 5370 пахта териш машиналари юборишди. Шундан 2500 таси фахрли белги билан ишлаб чиқарилди.

— Корхонамизнинг барча 700 коммунисти ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар, — деб ҳикоя қилади Сергей Константинович. —Мана, бир неча йилдирки, машинасозларимиз юксак унумдорликка эришишяпти. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми томонидан қўйилган вазифалар коллективни янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Коммунистлар Пленум материалларини ўрганиб, ўзларининг аввалги мажбуриятларини қайта кўриб чиқишгани бундан яққол гувоҳлик беради. «Ташсельмаш» партия ҳисобот-сайлов йиғилишига аъло натижалар билан келди. Корхонада олти хил пахта териш машинаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар орасида ингичка толали пахтани ва уруғли пахтани терадиган агрегатлар ҳам бор.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида қилган докладида маҳсулот сифатини янада ошириш, ингичка толали пахта навларини етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш асосий вазифа эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Ташсельмашликлар буни жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Улар «ипак пахта» терадиган ноёб машина яратдилар. Эндиликда бу кекса корхона маркази билан тайёрланган машиналар пахтакорларга белгиланган муддатдан ҳам, миқдорни ва ишчанлиги жиҳатидан ҳам бу корхона партия ташкилотидаги энг обрўли цех партия ташкилотларидан биридир. Унга Светлана Михайловна Боровских етакчилик қилади. Унинг обрўси катта. Бу обрўга у кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилгани, шонли ишлари туфайли эришди.

— У коллективимизни, унинг эҳтиёжларини беш қўлдек билади, — дейишади цех ишчилари у ҳақда. Ишчилар етти ўлчаб бир кесиб баҳо беришади. Демак ким ҳақидадир яхши гап айтишдими, бу ҳамиша ҳаққоний бўлади.

— Цехимиз партия бюроси, коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида пухта тайёргарлик кўришяпти, — деб ҳикоя қилади С. Боровский. — Ўтган даврда коллектив катта ютуқларга эришди. План мунтазам бажариб келинияпти. Маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек. Йиғилишда камчиликлар ҳам тилга олиниши шак-шубҳасиздир. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади: бундай нуқсонлар бизда ҳам бор. Гоҳида дастгоҳлар бўш туриб қолади. Меҳнат интизоми бузилаётган ҳоллар ҳам учраб туради. Қисқаси муҳокама қилинадиган масалалар оз эмас.

Ветеран коммунистлар С. Макеев, В. Витте, Х. Дарвишев, ёш пўлат эритувчи Ф. Иброҳимов партия йиғилишига тайёргарлик кўришга кўп куч ва меҳнат сарфлашмоқда. Улар йиғилишнинг коммунистларнинг ғоят активлиги вазиятида ўтиши, барча коммунистларнинг масалалар муҳокамасида қатнашишлари учун ҳозирданоқ жон куйдиришмоқда.

2, 7, 15-механика ва йиғув цехлари ва бошқа цехлар партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

— Ҳозирданоқ шуни ишонч билан айтиш мумкинки, цехларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари юқори савияда ўтади, — дейди С. Носовец. — Коммунистларнинг юксак активлиги шундан далолат бериб турибди. Мана шу интилиш завод маркази шарафи учун курашни кучайтиришга, фақат коммунистларнигина эмас, корхонанинг барча механизаторларини бу курашга жалб этишга ёрдам бермоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари... «Ташсельмаш» коммунистлари учун бу йиғилишлар юксак марраларга эришишда навбатдаги босқич бўлиб қолади. Пневматик усулда тўкилган пахтани терадиган ва тозалайдиган пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси турибди. Пахтакорлар бу машиналарни орзу қилмоқдалар. Эртанги кунга комил ишонч, ҳамиша олға бориш, юксак марраларни эгаллашга бўлган интилиш белгиланган режаларни амалга оширишда ёрдам беради. Коммунистлар бурчи, барча ишларда ҳамиша олдинги сафларда бўлишдек фахрли бурчни шунга даъват этмоқда.

Л. ЛЕВИН.



Унгдаги суратда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасига қарашли Сергели авиа корхонаси қишлоқ хўжалик авиапарклари бирининг командири Омонулла Султонов ва иккинчи учувчи Вячеслав Солиховларни кўриб турибсиз.

Пастдаги суратда эса шу бошқармага қарашли «МИ—4» вертолётининг зарбдор экипажи аъзоларидан (чапдан-ўнгга) борт механик Ю. С. Днев, вертолёт командири В. К. Варлигин ва иккинчи учувчи Б. Я. Шишонковлар тасвирланган.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

АҲДИДА БОРЛАР

Москва ва Ленинград шаҳридаги илғор саноат корхоналари ўтган йилнинг охирида «Беш йилликнинг уч йили топшириғи — СССР янги Конституцияси кунигача» шиори остида социалистик мусобақа бошлашганда Сергели районидаги қўш тўқсоқ мосламалар заводи коллективи бу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Коллективнинг бундай катта мақсадни ўз олдиларига қўйишида тўла мантиқий асос бор эди. Корхона 1976—1977 йиллар учун реализация ҳажми ва товар маҳсулот бўйича белгиланган давлат топшириғини муддатидан илгари бажариб, бу даврда планга қўшимча 1225 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. меҳнат унумдорлигини 1975 йилга нисбатан 15.6 процент ўсишини таъминлаганди. Бу муваффақиятга янгийўлдик ва ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусини, «Шогирд мураббийга тенглашсин» ташаббусини кенг қулоч ёйдириш орқали эришилди. Москва ва ленинградликларнинг СССР янги Конституциясининг бир йиллигини уч йиллик планни ado этиш билан кутиб олиш бўйича ташаббусига амал қилиш учун коллективга ўтган йилдаги суръатни сусайтирмай ишлаш етарли эди. Завод аъзоматлари бу вазифани муваффақиятли уддалашди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет халқига Мактубидан илҳомланиб, корхонадаги барча цехлар, бригадалар ишлаб чиқариш топшириқларини ойма-ой ортиғи билан бажариб бордилар. Бунинг натижасида беш йилликнинг уч йили топшириғи мажбуриятга белгиланганидан бир ой аввал, адо этилди. Топшириққа қўшимча 270 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди ва 7 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозир коллектив йил охиригача яна камида 1350 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун меҳнат суръатини оширяпти.

Қўш тўқсоқ мосламалар заводи шаҳримиздаги энг ёш корхоналардан. У 1974 йилда дастлабки маҳсулотини бериб, атиги 169 минг сўмлик маҳсулот топшириғини уддалашга улгурганди. Шундан бери бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб борди. 1976 йилда 2.664 минг сўмлик, 1977 йилда 2874 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинганди. Бу йил 3.200 минг сўмлик марра мўлжаллаб турилибди. Бу мақсадга эришиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Корхонада икки хил буюм: пластмассадан ва ёғочдан тайёрланадиган қўш тўқсоқ мосламалар асосий маҳсулот саналади. Бундан ташқари плиталар, паркет, мебель саноати учун материаллар, қишлоқ қурилиши учун тўсинлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларнинг сифати йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Бу йил «ТашЗНИИЭП» типидаги қўш тўсқич мослама Давлат Сифат белгисига тақдим этилади.

Коллектив маҳсулот сифатини яхшилаш учун огишмай кураш олиб боряпти. Шу мақсадда ишлаб чиқаришда операциялараро назорат кучайтирилапти. Маҳсулотни биринчи тақдимда топшириш, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш кенгайяпти.

— Уч йиллик планни муддатидан беш ой илгари ado этиш, кенжа, энди привожланиб келаётган Сергели районидаги бошқа корхоналарнинг кўрсаткичларини эътиборга олганда ғоят катта муваффақиятдир. Бу муваффақиятнинг асосий омиллари нималардан иборат?

Корхона бош экономисти, партия ташкилотининг секретари Филипп Моисеевич Бергер ушбу саволимизга қуйидагича жавоб қилди:

— Бу ўринда аввало, корхонада ишлаб чиқариш жараёни юксак даражада механизациялаштирилганлиги ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилганлиги ҳисобига меҳнат унумдорлиги анча юқорилиги, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасида ишларимиз кенг кўламда олиб борилаётганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда илғор тажрибадан кенг фойдаланаётганимиз

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЗАРИПОВ: Келгусида телевизорларни тузатадиган уста бўлиб етишиш орзуидаман. Шаҳримизда ана шу касбдаги мутахассисларни тайёрлайдиган билим юртлари борми?

Жавоб: «Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасидаги 11-техника билим юртида радиотелевизион аппаратларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича радиомеханиклик ихтисосидаги мутахассислар ҳам тайёрланади. Бу масалада янада тўлароқ маълумотга эга бўлай десангиз қуйидаги адресга: Фрунзе район. Ивановолик тўқимачилар кўчаси. 8-уйга мурожаат қилинг. У ерга 33. 18. 45. 54-автобусларда борилиб. «Тўқимачилик комбинати» бекатида тушилади.

Шуни айтиш керакки, Тошкентда 46-кечки-сменали билим юрти ҳам бўлиб. бу ерда ҳам радио-телевизорларни тузатадиган усталарни тайёрлайдиган группа мавжуд. Бу группага қабул шартлари ҳақида ва бошқа масалалар тўғрисида тўла маълумотга эга бўлай десангиз Кафанов кўчаси. 51-уйга мурожаат килинг. У ерга 9. 24. 8. 10-трамвайларда борилиб. «Кафанов кўчаси» бекатида тушилади Телефони 56-58-87.

* * *

Н. ХОЛДОРОВА: Кичик ўғлимиз Равшан расм чизишга жуда қизиқади. Уни бирорта махсус мактабга бермоқчи эдик. Шаҳримизда расм чизишга қобилияти кучли бўлган болаларни қабул қиладиган шундай мактаб бор экан. Шунинг адресини берсангиз.

Жавоб: Гапингиз тўғри. Шаҳримизда расм чизишга қобилияти зўр бўлган болаларни қабул киладиган махсус мактаб бор. Бу мактаб Жаҳон Обидова кўчаси **7«а»** уйда жойлашган. Бундан икки йил муқаддам 14-болалар музика мактаби базасида тасвирий санъат, музика ва хореография бўлимларига эга бўлган санъат мактаби ташкил этилган эди. Бинобарин Сиз ўғлингизни ана шу мактабга ўқишга беришингиз мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бутуниттифоқ йўл ҳаракати ҳавфсизлиги кузги кўригида Ўзбекистон пойтахтининг қатнашувига доир биринчи ўн кунлик натижалари якунланди. Ана шу кунларда ўтган йилнинг бу давридагига нисбатан шаҳарда йўл тасодифларининг сони камайган, ҳаракат маданиятй ва хавфсизлиги бирмунча яхшиланган. Лекин йўл ҳаракати қатнашчиларининг категориясидаги йўловчиларнинг интизомини янада яхшилаш орзу бўлиб қолмоқда. Давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари ва жамоатчи кўнгилли автоинспекторлар августнинг ўн куни ичида қоидани бузган 4 мингдан зиёд йўловчиларни аниқладилар. 600 дан ортиқ киши жарима тўлади. Улар орасида 2-пойафзал фабрикасининг тайёрловчиси Х. Икромов. Главташкентстрой» 26-ремонт қурилиш бошқармасининг участка бошлиги П. Папандапулос. СМП — 351 нинг мастери П. Габидуллин. Тошкент экскаватор заводининг мастери М. Давидюк. Янгийўл гўшт комбинатининг кассоби З. Тошбоев. «Компрессор» заводининг техниги Г. Хикматуллаев. Октябрь районидаги 8-магазинининг ишчиси Р. Раҳмонов. Тошкент макарон фабрикасининг слесари Ю. Деушев. «Ташкенткабель» заводининг йигувчиси П. Ҳамидов. 15-ҳунартехника билам юртининг ўқувчиси Ш. Илҳомова ва бошқалар бор.

Жамол КАМОЛ

ЯНГИ ҒАЗАЛЛАР

А в ж и д а

Ярқираб юлдуз ёнодир
менга осмон авжида.
Воҳ, яна юлдуз ёнодир
менга шу жон авжида.
Менга осмоним керандир,
менга шу жоним керак,
Термулиб қолсин кўзим
боқканда ҳайрон авжида.
Балки армонимда ёнган
юлдуз эрмас, шамчироқ,
Шамчироқ бўлгай ахир
ёнганда армон авжида.
Шоиро, кўнглим ўйини
бир мунаввар этмадинг,
Ҳар неча номингни ёздинг
шеъру достон авжида.
Шеър ишқу бериёлиндир,
ахир қандок қилиб,
Сен риё қилсанг, қаломинг
порлагай шон авжида.
Арз эртарсан нўкда
ойингдан,
чиройингдан кейин,
Менга айт аввал, қўшинг
борми виждон авжида.
Гар қўшинг дилда бўлса,
кўзда ёшинг айб эмас,
Айб эмас соҳиб ҳунарлар
юрса даврон авжида.
Умр ўзину бир ғазалхонлик
эмиш, билдинг, Жамол,
Кел, камол касб айла сен
ҳам
бир ғазалхон авжида...

Б о қ с а л а р ж о н и м г а, ж о н о

Боқсалар жонимга, жоно,
кўзларинг юлдуз бўлиб,
Кўзларимга нур тарайдир
кечалар кундуз бўлиб.
Айланур бошимда осмон,
айламур қошимда ер,
Ой бўлиб, юлдуз бўлиб,
райҳон бўлиб, наргис
бўлиб...
Очмагил лаълингни, жоно,
менга меҳринг сочмагил,
Сочилиб кетмай баногоҳ
битта жоним юз бўлиб.
Биз сукут этганда, ёрим,
ўртада ёнгай сукут,
Лаҳзалар ҳам лаҳза-лаҳза
ўртанур сўнгсиз бўлиб.
Кетмагил, ошиқка бундоқ
дарди ҳижрон этмагил,
Йўлларингга кўз тутаяман
ранг-рўйим бўз бўлиб,
Менга сенсиз кун қародир,
менга сенсиз тун қаро.
Мен саҳарларни нетарман
янкаю ёлғиз бўлиб.
Менку менман, ой жамолинг
кўйида юрган Жамол
Сенга етганда туролмас
бир замон сенсиз бўлиб.

Э т о л м а д и м

(БОБИР ИЎЛИДА)

Мамнун бўлиб, бир кимсани
мамнун этолмадим,
Мафтун бўлиб, бир кимсани
мафтун этолмадим.
Кечди кўзимдин олам аро
неча лайливаш,
Лекин барига ўзимни
Мажнун этолмадим.
Сеҳр этди соз чалиб мени
неча яхшилар,
Эвоҳки, соз чалиб ўзим
афсун этолмадим.
Оламни ўйладим гаҳи,
олам синоатн
Қошимга келди бош эгиб,
талқин этолмадим.
Гул фасли лола очдию,
мен эсам яна —
Гул ўстириб, чеҳраларни
гулгун этолмадим.
Ҳар ким бир шевага ўзни
этди мубтало,
Мен бир шевага ўзимни
тутқин этолмадим.
Ҳамиша иззатимникну
тутдим устивор,
Лекин қимматимни ундан
устун этолмадим.
Ҳай-ҳай, этолмадим, дема,
таънангни қўй, Жамол,
Мумкин этолмасимни мен
мумкин этолмадим...

Н о з

Кўзларимни бир табассум
ўтидин ёндирди ноз,
Боққан эрдим, бир
табассумдин
яна тиндирди ноз.
Кўзларимни ноз фақат
ёндирмади, тиндирмади,
Синмаган не-не
назокатларни
ҳам синдирди ноз...
Гоҳи бир дам ёнган ўтга
ўт қўйиб, энди баланд,
Гоҳи бир дам ёққан ўтга
сув сепиб, сўндирди ноз.
Чарх уриб қошидин ишора
учди,
кўздин бир имо,
Қимтилаб лаб ларза солган
чоғида ўлдирди ноз.
Ноз деган бундоқ бўлармиш,
нози истигно билан
Бўлганимча бўлган эрдим,
йўқ, яна бўлдирди ноз.
Ғамза ўқидин йиқилдинг,
ёрга таслимсан, Жамол,
Оқибат не-не балоларга
сени қўндирди ноз...

С е н б о ш қ а, м е н б о ш қ а

Битармиз шу жаҳонга
бир китоб,
сен бошқа, мен бошқа,
Этармиз шу башарга
бир хитоб,
сен бошқа, мен бошқа.
Кечиб наҳрул ҳаёт
шўх давраларда
қад тутиб шамшод,
Ичармиз иккимиз ҳам
бир шароб,
сен бошқа, мен бошқа.
Боқиб гулчеҳра тонгларга,
юраклар ёнса; тонг эрмас,
Яшнранмиз кўнгилга
офтоб,
сен бошқа, мен бошқа.
Муяссар бўлмаса орзу,
муқаррар бўлмаса матлаб,
Ченармиз иккимиз ҳам
изтироб
сен бошқа, мен бошқа.
Езиб ишқу аламлардан,
қанотли қадамлардан,
Берармиз шу ватанга
сарҳисоб,
сен бошқа, мен бошқа.
Умид уммонисан, дўстим,
Жамолни ноумид этма,
Бўлармиз шу жаҳонга
мустажоб,
сен бошқа, мен бошқа...

Адабиёт ва санъат

КЛУБ—КОНКУРС ЛАУРЕАТИ

Наманган уй-жойдан фойдаланиш 3-идораси ҳузуридаги болалар клубига биринчи даражали диплом топширилди. Ёзги каникул кунларида аҳоли яшайдиган жойларда болаларнинг дам олишини яхши ташкил этиш учун ўтказилган шаҳар конкурс-кўригида клуб ана шу мукофотни қўлга киритди.

Болалар кўпгина қизиқарли ишлар билан машғул бўладилар. Улар Ленин комсомоли тарихи тўғрисида ҳикоя қиладиган стендларни тайёрлайдилар, ўзларининг чет эллик тенгқурлари билан хат ёзишиб турадилар, спорт билан шуғулланадилар. Клубда ҳар бир бола кўнглига хуш келадиган иш топа олди.

Наманганда ҳозир уй-жойдан фойдаланиш идоралари томонидан ташкил этилган шундай тўртта клуб ишлаб турибди. (ЎзТАГ).

ЁШЛИК ИЛҲОМЛАРИ

ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ

Ёшлик ҳаётнинг шундай фасли-ки, унда киши беихтиёр ғўзалликка, шеъриятга ошно бўлади. Бирон бир ҳодиса сабаб—юрагида туғилган ҳисларни қоғозга тўккиси, қалбига оташ солган кафосатни куйлагиси келади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Эркин Воҳидов:

Дунё экан
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда.
Кимни этмас бу ҳаёт шайдо
Ким шеър ёзмас менинг
ёшимда

деб бежиз айтмаган-да. Ҳаваскор қаламкаш туннинг қайтарилмас жозибасиданми ёки севгилисининг бирон нозли имосиданми, ё бўлак нарсаданми бир олам завқ-шавқ олади. Юраги жунбушга келиб шеър ёза бошлайди:

Юлдуз милтиллайди...
Қулоқларимга
Сирли шивирлайди ўйноқи
еллар.
Оҳиста жимиллар,
вужуд — қалбимда
Ҳисларим руҳимни майин
алларлар.
Сени ўйласам.
Кундуз кечаларнинг
мафтунисимон
Бир қўшиқ тўкийман —
айтмаган ҳеч ким.
Ғамлар тоқ ўтадир,
бахтим ёнма-ён
Бир орзу ҳаблин бахш этар
меҳринг
Сени ўйласам.
Кўклам юз очадир —
Севги тафтидан
Ёшлигим бўлганда қайта бор
чамен.
Армонлар қочадир
Ҳислар қатида
Ҳатто гуссалардан ором топаман
Сени ўйласам.

Назира Саломованинг редакцияга йўллаган «Сени ўйласам» шеъри шеърхонга завқ бағишлайди.

«Сирли шивирлайди ўйноқи
еллар»

ёки:

«Кундуз кечаларнинг
мафтунисимон,
бир қўшиқ тўкийман, айтмаган ҳеч ким!»,

Булар чинакам шоирона дид билан битилган сатрлардир. Назира Саломованинг «Бир ҳис билен» шеъри ҳам ана шундай нозик дид билан ёзилган. Бу шеърлар шоирининг ёркин келажагига ишонч туғдиради.

Худди шундай илиқ фикрлар бизда ёш шоира Нозима Тоғаевани машқлари билан танишганда ҳам туғилди. Айниқса, Нозиманинг «Юлдузли осмон» шеъри ўзига хосдир. Шоира фалакнинг тунги чиройини ниҳоятда яхши тасвирлайди.

Ёш ҳаваскор Муртазо Қаршибоевнинг машқлари ҳам анча ҳаётий. Ёш ҳаваскор қаламкашнинг «Сен», «Дарахт» каби машқлари шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Лекин ҳамма машқлар ҳам шунақами. Йўқ, албатта. Ғанижон Тожиевнинг «Ифтихорим», «Даргоҳнома», «Шаршара», «Табассуминг» каби машқларига келганда шуни айтиш керакки, бу машқлар саёз, бўш.

Норқул Ёдгоровнинг машқлари ҳам Ғ. Ғозиевникидан қолишмайди. Ёш қаламкаш Вафоқул Жумақуловнинг машқлари эса кишини ажаблантиради. Ёш қаламкаш ўз машқида: «Булбул каби яйрайман, қўқўпар тоғларида» дейди. Аввалам бор бу шунчаки жўн, ҳавойи тизма. Қолаверса, булбулнинг қўқўпар тоғларда яйраганини ким кўрибди? Мана шунақа маънисиз саккиз қаторни тизиб, уни редакцияга йўллашнинг нима ҳожати бор экан?

Студент Садриддин Отабоевнинг машқлари ҳам В. Жумақуловникининг айнан ўзи. С. Отабоевнинг «Чеҳраларда табассум» машқида «Кўлларида дафтар-қалам жим»(?), «Кўлларида шарлар бор қувноқ»(?), «Шеърларимга сатралар тақиб»(?), «Сатраларим ёз деяр менга»(?) сингари пойма-пой. ғализ жумлалар хийлагина.

Мана бу машқ Норбобо Эшбобоев қаламига мансуб. Н. Эшбобоев машқини босилиб чиқишини сўраб, илова хати билан редакцияга йўллабди. «Истайман» деган бу машқда қаламкаш «азиз»сини соғинганини айтади: «Сени кўрмоқ истайман», дейди. Шоирнинг айтишича ёрини чиндан ҳам соғинган. Хуллас, у ўша номаълум қиз билан бир умр ҳаёт нашидасини суришни истайди.

Қаламкаш майлини назмда эмас, кўпроқ насрда баён қилади. Шу сабабли бу машқни ўқиб, чамаси Н. Эшбобоев бирон қизга ёзган мактубини янглишиб редакцияга йўллаган чоғи, деб ўйлайсиз. Худди шу хусусият ҳаваскор қаламкаш Раҳмонжон Маҳмудовнинг машқида ҳам кўзга ташланади. Маҳмудов:

Кулгингдан ўт тушиб бағрим
чўғланар,
Қалб унсиз йиғлагай — сен
йиғлаган дам.


дея мурожаат қилади «бўлғуси ўғлига «шеър»нинг хулосида «шоир»:

Бўлайин севгилим — онангла
ҳамдам —
Яхши кунда дунёга кела қол
сен ҳам!,— дейди.

Қизиғи шундаки, Р. Маҳмудов шу машқни газета саҳифаларида ўқишни истайди. Ахир бу кишининг ёлғиз ўзи қолганида кўнглига келадиган, ҳатто иккинчи бирон кишига айтиш ҳам кулгули бўлган гаплар-ку!

Шеъриятнинг эса ўз йўли, талаби, қонунияти ва вазифаси бўлади. Шуни чин маънода англаб, қўлига қалам тутган қаламкашгина келажакда бирон нимага эришиши мумкин.

А. КУЧИМОВ.



Миллионлаб телетомошабинлар ҳар куни «Зангори экран» орқали кино эшиттиришларни томоша қиладилар. Ана шу эшиттиришларнинг сифати учун Тошкент телевизион техника марказининг киномеханиклари жавоб беришади.

СУРАТДА: овоз техниги Мирвоҳид Қосимов. У киноэшиттиришларнинг овози сифатли бўлишини таъминлайди.

И. Глауберзон ва Сироткин фотоси.

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий танланган нутқлари ва мақолаларининг тўпламини босмадан чиқди. Бу мақолалар ва нутқларда КПССнинг жанговар отряди сифатида Украина Компартиясининг партия XXIII, XXIV ва XXV съездларининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти очиб берилади. Республика партия ташкилотининг КПСС социал-иқтисодий программасини рўёбга чиқариш, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ғоялари асосида, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иш тажрибаси умумлаштирилади. Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

ЭКРАНЛАР ПОРЛАМОҚДА

Задарё районидаги «Правда» колхозида 200 томошабинга мўлжалланган янги кинотеатр очилди. У хўжалик марказий қўрғонини қуришнинг бош планига мувофиқ барпо этилди.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида Наманган областининг колхоз ва совхозларида 20 та янги кинотеатр очилди. Эндиликда бу ерда икки юздан кўпроқ кинотеатр бор. (ЎзТАГ).

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбек халқининг фахри, камоли, ғурури бўлган пахтани элимиз севиб «оқ олтин» деб атайди. Ана шу давримизнинг фидойи қаҳрамонларининг бугунги ўй ва қувончлари, орзу ва интилишлари, коммунистик жамият янги кишисининг бой маънавий фазилатлари Ҳамид Икромовнинг «Тонг юлдузи» номли янги қиссаси учун мавзу бўлди. Асар тўлалигича Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилмоқда.

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Кўз эрта тушди. Ариқларда сув тинниб қолди. тагидаги майда тошлар. илдизлар равшан кўриниб турар. зилол кўзгуга айланган эди. Дарахтларнинг учидаги барглар сарғая бошлаган, ерга учиб тушар. хазон оёқ остларида шитирлаб, куз бошланганини билдирар эди.

Далалар латофатини Элёр кўпдан бери бундай юракдан туймаганди. Энтиктирувчи ёз ҳароратн бирдан пасайиб, сумбулнинг тоза, муздеккина ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганда, узоқ-узоқларга киприк қоқмай тикилганида қалбини ажиб туйғулар қамраб оларди. Нимандир интиқиб кутар, олам кўзига мунаввар туюларди. Шунда унинг лабларига беихтиёр табассум қўнарди. Деҳқонлар узоқ орзиқиб кутган пахта терими бошланганиданми бу. ё дунё нозу-неъматлари шарбатга тўлиб ҳар қадамда кўз-кўз қилаётганиданми, ишқилиб қалби далага келгандан бери ўзгача бир завқ-шавқ билан тўлиб-тошганди. Шунда у ойисининг сўзларини тез-тез эсларди. Бир куни: «Ўғлим. хайрли иш. яхшилик, дўстликнинг илдизи мингта. ёмонлик илдизи битта бўлади» деганди. Шу сўзлар кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолганми. ҳеч хаёлидан кетмас. дилини ранжитадиган ҳодисаларни кўрганда куйинса ҳам, кўнглини ҳақ иш енгишига умид, ишонч илитиб турарди. Ёдида, бир куни оқшом чоғида сув сепилган салқин ҳовли четидаги сўрида осмонга тикилиб ётарканман, ойиси унга бир коса муздек сув келтирганда: «Ойижон. нега дарахтлар кўмкўк, сув, осмон зилол. ер ҳиди доим ширин бўлиб кетган? Нега улар сира кўнгилга урмайди? Қараган сари одам баҳра олади?» деди.

«Ўғлим, буларнинг бари қуёш тафтидан» деганди онаси.— Ҳаммаси меҳрдан кўкаради, одамнинг тафтини одам олади».

Ўшанда негадир Райҳон, Ғафур ака, Бахтиёр изтиробларига ҳамдардлигини ўйлаб кетган, бунга кўп куйинганди ҳам. Сўнг миясига бир фикр чақмоқдай урилганди. «Одамларга айни яхшилик, меҳр кўрсатиш пайти келгану менга!»

Элёр босмахонага бориладиган хиёбондан ёлғиз, ўйчан кетаётганда редакциядан корректор йигитча чақириб қолди.

— Телефонга, телефонга!— деди у қўлларини орзига қарнай қилиб.— Тошкентдан!

«Тошкент» сўзини кенг. эркин дала кўчогида эшитиб, бадани бирдан жимирлаб кетди. Ким экан у? Ортига қайтиб тез келркан, бир йилгина ишлаган— бу ердан қирқ километр олисдаги Тошкент кўзига тўтиёдай кўриниб ётган. Чиройли. текис кўчалар. жимжимадор ҳашаматли бинолар. фонтану. кўчалар бўйидаги ранг-баранг чироқлар. қадрдон редакциянинг ўн олти қаватли мармар биноси кўзига оловдай кўриниб кетди. Ҳа. сочиниби! Ахир, олти йил Тошкент тузини тотди. Қалби илиқ. ёруғ ҳисларга тўлиб, энтикканча сўради:

— Ким?

— Редакциядан, — йиттича ортда қолганча қичқирди.

Элёр редакцияга югуриб кирди. Ходимлар уни биринчи бор ҳовлиққан ҳолда кўришлари эди. Баъзилари кулиб, баъзи бирлари ҳайратланиб қолишди.

— Эшитаман, — Элёр ойна устидаги трубкага ёпишди.— Э, Аҳмаджон ака! Салом. Раҳмат, раҳмат. Яхши юрибсизларми? Нима? Линия яхши ишламаяпти, эшитмаяпман... Ҳа. сал тузук бўлди. Жўнашиб кетди. раҳмат. Муносабат? Ҳозир бир минут. Аҳмаджон ака.— Элёр эшик очиқ қолганини кўриб, беркитиб, тез қайтди. Қайнаяпсизми, дейсизми? Қозонга тушгандан кейин шу-да. Дефолиация икки-уч кунда бошланиб қолади. Тайёргарлик катта. Обкомда йиғилиш бўлди? Кейин-чи?..

Элёр ойна устидаги трубкаларни тегар-тегмас, машинада ҳарф пайдо бўлар, улар «махсус» бурчакка келиб тушарди. Машинанинг узун қўли— элеватор яна бошқа шрифтларни илиб юқорига кўтариларди.

— Жуда ақлли машина-я, — деди Элёр қизнинг ортидан энгашиб, юзига боқаркан. Райхон ҳарф терип билан овора. Қўшни хонадан ротация машинасининг гупиллаб ишлаётгани эшитилиб турар, у ерда эртанги газетанинг биринчи ва тўртинчи бетлари босилаётган эди. Ички саҳифалар эса ҳали тайёр эмас. Райҳон сўнгги механизаторларнинг исм-шарифларини термоқдайди.

— Адъютантнинг кераги йўқ, — ҳазиллашди қиз қиё боқиб, кўзларида Элёрни маст этувчи ўт ёнар эди.

— Райҳоним, жонгинам... Ажойибсиз-да. — Элёрнинг кўнгли шундай эриб кетдики, у шу лаҳза беихтиёр қизнинг юзларига юзини босганини, елкаларидан қучганини сезмай қолди. Қизнинг юзи куйдириб турарди. Элёр кандай чўккa тушиб. қизнинг бир қалқиганини. кўкрагига урилганини ҳам пайқамади. Бир вужудай хийла вақт ажралишмади: бағрида қиз эриб кетгандай эди. Элёр бутун дунё қувончини қучоғига босиб турар, қизнинг муаттар сочларини силарди. Райҳон бу бахт, бу севинчдан бироз гангиган, бир неча дақиқа бутун олам, ҳамма нарсани унутганди.

Бир неча лаҳза ўзини йўқотган қиз бошини кўтарди-ю, сочларини тузатиб, ўтли кўзлари, бошн айланган каби сузилиб пичирлади:

— Уялмайсиз ҳам-а.

Райҳон ҳозир шундай ҳолатда эдики, кўзлари ҳарфлар устида югурса ҳам ҳеч нимани англамасди. Ўқиётган сўзларининг маъносини билишга қанча уринмасин барибир, фойдаси бўлмади. Қўли хиёл титрар. уни сездирмаслик учун машинани ушлаб турарди. Сўнгра. хонадан бир ажиб латофат билан мағрур юриб чиқиб кетди. Дам ўтмай юзини ювиб келди. Ҳамон юзи бўғриқиб турарди. Элёрга унинг кўзлари қизаринкигадай бўлиб туюлди. Райҳон унга қаролмас, аммо чеҳраси ички бир нурдан ёришиб кетганди. У сочларини тузатиб, дуррачасини ўради.

— Назирани бориб кўрдим. — деди қиз бироздан сўнг.

— Касалхонага бордингизми? — сўради Элёр. Бу — Назиранинг тақдирига беихтиёр қизиқишдан эди.

— Йўқ, уйига кетти. Ранги бир ҳол ҳалиям. Ўзи жуда нозикда, бечора, — яна бир маромда ҳарф тера бошлади Райҳон.

Шу пайт коридорда гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Кимдир келаётгани сезилиб турарди. У тўхтаб бир зум каловланди.

— Райҳон шу хонадами? — деб сўради йўталиб.

— Вой, дадам. дадажоним! — Райҳон ўрнидан ирғиб туриб остонада кутиб олди. Ғафур ака жигарранг кителига ёпишган пахталарга парво ҳам қилмас, шошиб кирганди.

— Нима бўлди, ҳаяллаб қолдинг, қизим? Э, Элёржон, саломатмисиз. — Ғафур ака бўйинини силади. сўрашди-да. шу он қизига синчков тикилди.— Уйга борсам опанг (онасини шундай дерди) «дараги йўқ» деди. Ҳалиям ишлаяпсизларми? — у Элёрга ўгирилди. — Нима бу? Сводками?

— Ҳа, жонга тегди сводкаям, — Элёр вазмин оҳангда кейинги сўзга урғу берди.— секретарга яна айтмасам бўлмайди. Элёр шу сўзларни айтаркан, хаёлидан ёлғиз қолганимизни кўрди. деган ўй ўтди.

— Иккиланиб юрмасдан дадил айтиш керак.

Элёр унинг газета учун эмас. « кўпроқ Райҳон учун жон куйдириб тапираётганини сезди. Сездию, биринчи маънога изоҳ берди.

— Қўлдошевнинг кўнглига келмасмикин?— у «Ғафур ака» дейишга уялди.

— Сиз кўпроқ биринчи билан маслаҳатлашинг. ўкам. — илгари у дейдиган Ғафур аканинг «укам» дейиши унинг дилига ёқимли ҳис олиб кирди. У ҳалигача тик туришганини эслаб, ўтиришга таклиф этди.

— Раҳмат. Ҳали кўпми ишингиз? — Бир қизига, бир унга қаради.

— Яқинлашиб қолди, — тик турган Элёр айбдор одамдек елка қисди.

— Ҳали тузатишлар ҳам бор-у. — Элёрга қиё боқди қиз.

— Ҳа. айтгандек. унда яна бирон соатга борадн-да.

Ғафур ака ерга қараб, Райҳонга зимдан разм соларкан:

— Унда ўзим келаман,— деди негадир хиёл қизариңкраб.

Ғафур ака қовогини уйди-да, туришга чоғланиб. Элёрга қараб қўйди.

— Дефолиацияни качон бошлайсизлар?— Элёр гапни бурди. — обкомдаям яхши гаплар бўпти.

— Эртага. Имтиҳон эртага бошланади. — У «ух» тортди. Бу жиддий синов кўп тунларни бедор ўтказишга. ёниб-куйиш. ҳар куни устахона. далага елиб-югуришга мажбур этгани хиёл толиққан в у ж у д и дан. кўзлари ости салқиганидан сезилиб турар. аммо кўзларида аллақандай умид учқунлари, келажак қувончи ёнарди. Унинг соқоллари ўсгани, ўзига қарашга қўли тегмаётганини кўриб Элёр ачинди. Куни бўйи ишлаб. ҳориган бечора. Энди келиб дам олай деса. кизи бу ёқда. Шуни ўйлаб:

— Ўзим машинада оборааман.— деди меҳрибон оҳангда.— Чарчабсиз, дам олинг, — Эртага бошланса...

Ғафур ака инсофга келдими:

— Жуда кечикманглар-да. — деди эшик томон юриб. негадир сал бўшашиб овози бўғиқроқ чиқди. У бу сўзларни айтаётганда Райҳонга ҳам, Элёрга ҳам қарамади.

Ҳамид ИКРОМОВ.



Охунбобоев номли маданият уйининг дуторчи қизлари.

Х. Сунматуллаев фотоси.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Республика кино санъатининг бир группа арбоблари «Қорақалпакирсовхозстрой» территориал бошқармаси ходимлари олдида ижодий ҳисобот бердилар. Меҳмонлар янги ерларни ўзлаштираётган кишиларга ўзларининг янги асарлари тўғрисида гапириб бердилар. фильмлардан парчалар кўрсатишди. ижодий режаларини ўртоқлашдилар. Қурувчилар ўз навбатида кинематографиячиларга истакларини айтишди.

СССР халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов. Наби Рақимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаматов, бошқа етакчи киносанъаткорлар шу кунларда пахтакорлар ва қурвадорлар ва чорвадорлар ўзузурида меҳмон бўлишди. (ЎзТАГ).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҚУТҚАРУВЧИ ДЕЛЬФИНЛАР

Владивосток траулер ва рефрижераторлар флоти базасига қарашли «Невельской» дизель электроходининг денгизчилари шу галати ҳолнинг шоҳиди бўлдилар. Улар денгиз шерини раҳмсиз йиртқич акулалар қуршаб олганлигини кўрдилар. Акулалар қуршовни оҳиста торайтириб келардилар ва ҳайвоннинг ёмиш бўлиши турган гапдек эди. Шу пайт қаттиқ бир чичқириқ эшитилди: денгиз шери фалокат сигналларини берди. Орадан икки-уч минут ўтгач ёрдам етиб келди. Шиддат билан келаётган дельфинларни кўрган акулалар нарига жўнаб қолди. Аммо бир миля чамаси сузгач. тўсатдан яна қайтиб келишди. Шунда дельфинлар яна денгиз шерини қутқаришга отилдилар.

Уша куни Шарқий Камчатка соҳилларн ёнида об-ҳаво жуда яхши бўлиб, денгиз яқол кўриниб турадн. Денгизчилар ўзига хос денгиз жанглни бутун тафсилотлари билан кузатишга муваффақ бўлдилар. Дельфинлар денгиз шери устидан сакраб ўтиб, унинг теварагида доира ҳосил қилдилар. Шундан сўнг йиртқичлар «Жанг майдони»дан пусиб жўнаб қолишга мажбур бўлдилар. Дельфинлар денгиз шерини шу тахлитда ҳалокатдан қутқариб қолдилар.

В. ЧЕТВАРИКОВ,
ТАСС мухбири.
Владивосток.

КУЙЛОВЧИ ҚУМТЕПАЛАР

Қорақумда Иккиже деган жой бор. Бу сўз «икки қудуқ» деган маънони билдиради. Мана шу ерда чўлнинг қоқ марказида чоғроқ бир метеорологик станция жойлашган. Унинг ёнида қумтепалар афсонавий денгиз тўлқинидек чўзилиб кетган. Станция ходимлари шулардан бештасига айниқса қизиқиб қолдилар. Чўлда кучли шамол кўтарилганида қумтепалар «куйлай бошлайди». Чиқувчи товушлар оҳангдор бўлиб, кимдир торларни енгил чертаётганга ўхшайди.

Шу қумтепаларни ўрганувчи мутахассислар йирик донадор тоза кварцли қум шамол кўтарилганда шундай «оҳангдор» товуш чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Қорақумда бундай қум камдан-кам учрайди. Лекин айни шу райондаги қумтепалар мана шундай тоза қумлардан иборат. (ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЗТошкент ак шоми

14 АВГУСТ, 1978 й.

«БК-1500» МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРИ

Узбекистонда ёз фасли юқори ҳарорат билан ўтмоқда. Биз соя-салқинли жойларни орзу қилиб, ўзимизни шаҳар ташқарисига, кўллар, дарёларнинг ёқасига боришга ошиқамиз.

«БК—1500» МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРИ
саратоннинг энг жазирамали кунларида
сизнинг хизмат хонангизда
ва квартирангизда
МУЪТАДИЛ ҲАВОНИ ЯРАТИБ БЕРАДИ



«БК—1500» кондиционери яхши кайфият, саломатликни яхшилаш, кишининг ҳаракатчанлигини ошириш манбаидир. Прибор автоматик равишда ўзи ишлаб, бино хоналарида исталган температурани сақлаб туради, хонани узлуксиз шабадалатади. Ортиқча намликни камайтиради, ҳавони чанг ва саноат газларидан тозалаб туради. Кондиционернинг бундан ташқари бир қатор фазилатлари ҳам бор. Маълумки бир температурага етгандан кейин электр манбаидан автоматик равишда ўчади, ўзининг тежамкорлиги билан уйдаги ҳар қандай электр асбоб-ускуналари сарф қиладиган электр қувватидан кўп ишлатмайди. Ўзининг ихчамлиги, бежиримлиги билан киши диққатини жалб этади.

«БК—1500» МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРИ ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИНИ ОЛГАН.

Бу аппаратни монтаж қилиб, ўрнатиб бериш билан баҳоси 442 сўм 30 тийиндир.

КОНДИЦИОНЕРНИ НАҚД ПУЛГА ВА БИР ЙИЛ МУДДАТГА ЧЎЗИЛГАН КРЕДИТГА ҲАМ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Ана шу аппаратни ишлаб чиқарувчи Боку маиший кондиционерлар заводи ўзининг маҳсулоти магазинда сотилган кундан бошлаб 2 йил мобайнида бенуқсон ишлашига кафолат беради.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!
АГАРДА СИЗ КОНДИЦИОНЕР СОТИБ ОЛИШ ИШТИЁҚИДА БЎЛСАНГИЗ,
«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Кондиционерни ўрнатиш ва созлаш масалалари бўйича Тошкент Бош ателъесининг ушбу адресига мурожаат этилади: Тошкент шаҳри,—185, Халқлар дўстлиги проспекти, 4-4 «а»-уй. Телефон 77-65-69.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор, сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи, слесарь-сантехник, бульдозер, скрейпер, прицепли грейдер машинисти.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ 15 ГА ТЎЛГАН ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тугатганларга эгаллаб чиққан мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги (уч йил таълим олувчилар учун) **аттестат топширилади.**

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига, техникумларга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, форма, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, автобиография, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий хизматга чақирилиш қоғози ёки ҳарбий билет, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см, ҳажмида) меҳнат дафтарчаси (ишловчилар учун).

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ) ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар Куйбишев район, Багратион кўчаси, 4-уй (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси» бекати, 22-трамвайнинг «2-Шимоли-Шарқ» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ» БАЗАСИГА ҚАРАШЛИ
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 7—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН 14—17,5 ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Слесарь-сантехниклар, слесарь-вентиляцячилар, электр-пайвандчилар. Ўқиш муддати—2—3 йил.

Слесарь-монтажчилар, токарлар, автослесарлар, машинист-кранчилар, монтажчилар. Ўқиш муддати — 3 йил.

Электр пайвандчилар, огнеупорчилар, монтажчилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртида 1 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар ва 30 сўмгача стипендия ёки овқат билан таъминланмай 60 сўм стипендия олишлари мумкин.

Билим юртида 3 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар билим юртини битирганлиги тўғрисида ва ўрта маълумот ҳақида ҳамда 3 — 4 разрядга эга бўлганлиги тўғрисида ҳужжатлар берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 68, 37-автобусларнинг «Ёг-мой комбинати» бекатлари).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978— 1979 ўқув йилига
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.


Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700031, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

ПОЙАФЗАЛИНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?



Пойафзални тузаттириш учун устахонага бориш шарт эмас.

«ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз 33-61-32 телефон номерини териб «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи диспетчери билан ўзингизга қулай вақтда (куни ва соати) пойафзални ремонтга қабул қилувчини чақиринг.


Бир-икки кундан сўнг Сизга пойафзалингизни тузатиб олиб келишади.

Пойафзални яроқсиз бўлиб қолгунича қийиб юрмасдан, у ремонт талаб қилганда дарров тузатишга беринг.

Ўз вақтида ремонт қилинган пойафзални узоқ муддат қийишингиз мумкин.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Сизнинг буюртмангизни 33-61-32 телефони олдида кутишмоқда.



«ИЛҒОР» ишлаб чиқариш бирлашмаси.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 15/VIII да Севилья сартароши, 16/VIII да Сўғд элининг қоплони, 17/VIII да Чио-чио-сан.

КИНО

15 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— Эй, бахтли инсон! (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қаҳвахона— «ЧАЙКА» (16, 20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.40), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар— «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.30).

Топталган туйғулар— «ХИВА» (20.45, 22.30).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Сиз албатта ўз квартирангизда электр қувватининг ўчиб қолмаслигини, газ асбоблари бузилмаслигини, телевизорингиз ишдан чиқмаслигини истайсиз. Агарда бундай тасодифлар юз берса, авария хизмати уларни қанчалик тезлик билан тузатиб бериши биринчи навбатда сизнинг ўзингизга боғлиқ. Сиз юз берган камчиликлар ҳақида қанчалик тезлик билан хабар қилсангиз, улар шунчалик қисқа муддат ичида бартараф этилади.

БУГУН ШАҲАРДАГИ БАРЧА АВАРИЯ ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИШИМИЗ БИЛАН БИРГА, АНА ШУ ЭЪЛОННИ ҚИРҚИБ ОЛИБ, ДОИМО ФОЙДАЛАНИШ УЧУН САҚЛАБ ҚЎЙИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ўт ўчириш командасини —01, милицияни— 02, тез ёрдамни — 03, газчиларнинг авария бригадасини —04 телефони орқали чақиринг.

Сизнинг квартирангизда иссиқликни таъминловчи «Таштеплосеть» шаҳар корхонасининг авария хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин:

32-77-48—Ц—1, Ц—2, Ц—4, Ц—5 кварталларидаги аҳоли учун.

78-40-41, 78-40-76 — Чилонзор массиви аҳолиси учун.

66-10-17, 66-32-58—Шимолий-Шарқ массиви аҳолиси учун.

46-07-14, 46-42-04, 46-52-53— Қорақамиш аҳолиси учун.

46-53-23, 46-53-63— Юнусобод аҳолиси учун.

90-75-11, 90-75-09 — Қўйлиқ массиви аҳолиси учун.

Шаҳар водопровод тармоқларининг ишини таъминловчи «ВОДОКАНАЛ» шаҳар трести бўйича агарда сиз қуйидаги телефонлар орқали марказий диспетчерликка хабар қилсангиз, авария бригадаси зудлик билан етиб келади: 33-15-95, 33-75-95. **бундан ташқари, Куйбишев районидан қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилиш мумкин:** 62-19-33, 62-19-34, 62-75-12.

Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов районидан қуйидаги телефонлар орқали: 46-03-85, 46-03-84.

Фрунзе ва Чилонзор районлари — 78-32-40.

Ленин ва Ҳамза районлари — 96-32-40.

Киров райони — 35-14-02, 35-04-01.

КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ИШЛАМАЙ ҚОЛГАН ТАҚДИРДА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИШИНГИЗ ЗАРУР — **35-61-83** (Киров, Собир Раҳимов районлари); **78-48-85, 78-98-96** (Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе районлари); **90-04-89** (Ленин, Ҳамза районлари).

АГАРДА СИЗ ГАЗ ПРИБОРЛАРИНИНГ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНЛИГИНИ СЕЗСАНГИЗ, ДАРҲОЛ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ:

Марказий диспетчерлик: 53-56-19, 53-56-31,
Куйбишев райони—35-02-11,
Ленин райони —33-49-76,
Фрунзе райони — 56-33-20,
Киров райони — 35-06-75,
Чилонзор райони —77-09-22,
Октябрь райони — 44-11-79,
Ҳамза райони — 96-39-61,
Собир Раҳимов райони — 48-35-48,
Сергели райони — 53-88-52,
Акмал Икромов райони — 44-11-49.

АГАРДА КЎЧАЛАРНИ ЁРИТИШ ВОСИТАЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАН ПАЙТДА «ГОРОСВЕШЕНИЕ»НИНГ НАВБАТЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИГИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Диспетчерлик телефонлари: 33-16-19, 33-35-64.

БУНДАН ТАШҚАРИ СИЗНИНГ БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Куйбишев райони—62-53-17, 76-53-94,
Октябрь райони—33-16-19,
Фрунзе райони — 53-17-90,
Ленин райони — 33-62-07,
Чилонзор райони —76-36-63,
Киров райони — 33-16-19,
Ҳамза райони— 96-49-52,
Собир Раҳимов райони— 44-34-62,
Акмал Икромов райони — 33-16-19,
Сергели райони —53-68-63,

УЙЛАРНИНГ ТАШҚИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНИДА 39-99-11 ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИНГ:

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ, МАГИСТРАЛЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШДА ҚАНДАЙДИР НОҚУЛ, БЕТАРТИБ ИШЛАР СОДИР БЎЛГАН БЎЛСА, ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ — ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА БУ ҲАҚДА ХАБАР ҚИЛИНГ. **Унинг телефонлари:** — 33-44-44, 33-55-55.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎЗ ИХТИЁРИДА АВАРИЯ ХИЗМАТИ БОР: **Унинг телефонлари:**

Марказий диспетчерлик — 33-37-88,
Ленин райони — 33-56-79,
Фрунзе райони —56-54-39,
Куйбишев райони—33-11-86,
Киров райони— 33-73-19,
Октябрь райони—44-29-74,
Чилонзор райони —78-52-66,
Ҳамза райони — 56-54-39,
Собир Раҳимов райони — 48-43-10,
Акмал Икромов райони — 78-52-66,
Сергели райони — 56-54-39.

СИЗ ЯШАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ БИНОДА ЛИФТ БУЗИЛИБ ҚОЛСА «ЛИФТРЕМОНТ» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОН БЎЙИЧА ХАБАР ҚИЛИНГ: 44-30-08.

Бирлашган қозонхоналар дирекцияси авария хизматининг ҳам телефони бор: 44-15-08.

СИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИНГИЗ СИНИБ ҚОЛСА ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАР БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

АТС — 33, 32, 35, 56—35-99-11,
АТС—39 —39-81-11,
АТС—90, 91, 96—91-64-64,
АТС —41, 44, 48, 46 —48-99-11,
АТС — 53, —53-19-00,
АТС — 62, 66—62-64-64,
АТС— 76, 77, 78 — автоматлаштирилган ремонт бюроси.
АТС—24—35-99-11.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

14 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.40 «Ешлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил—зарбдор йил». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Кўрсатувда КПСС Калуга область комитетининг биринчи секретари А. А. Кандренков иштирок этади. 19.25 «Опера билан учрашув». Р. Вагнер. «Лоэнгрин». Белоруссия ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Лоэнгрин» спектаклининг давоми. 23.00 «Таллин Олимпия олдидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Болалар учун мультфильмлар программаси; «Яшил эртак», «Дўстлар», «Алдаркўса», 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Нурафшон даврa» (рус.). 18.50 «Замондош билан юзма-юз» (рус.). 19.15 «Аҳборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг «Шодиёна» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Урие Керменчекли ва Севги Белялов концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Бир миллион 200 минг тонна «қаҳрабо дон» учун». 22.15 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-серия. «Андрей Болконский». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 1-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «К. Сергеев. Хореография саҳифалари». Фильм-концерт. 21.25 «Ленинградан репортаж». Телевизион фильм (рус.).

15 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Опера билан учрашув». Р. Вагнер. «Лоэнгрин». Белоруссия ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 15.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Тарих саҳифалари». 16.25 «Она-ерим, сенга меҳрим». Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари Бутуниттифоқ слётидан репортаж. 16.55 «Вераси» вокал-чолғу ансамблининг концерти.

17.15 Болалар учун. «Чексиз муҳаббат сўқмоқлари бўйлаб». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Ҳиндистон Мустақиллиги кунига. «Мангу ва янги Ҳиндистон». Кинопрограмма. 19.30 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Мен бахтли одамман». Телевизион ҳужжатли фильм премераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Поэзия» альманахи. 23.20 М. Светлов шеърларига М. Таривердиев ёзган қўшиқларни Г. Беседина ва С. Тараненко ижро этадилар. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лёньканинг таътиллари». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи» (рус.). 18.45 «Партия ходими минбари». 19.00 «Бугун — Ҳиндистон мустақиллиги куни». 19.15 «Аҳборот» информацион программаси. (рус.) 19.30 «Кино усталари». Кинодраматург О. Агишев (рус.). 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо еткур саломимин». Концерт. 21.30. Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль. Пленуми қарорлари— ҳаётга!» «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-серия. «Наташа Ростова». 23.45 Кўрастувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Бу мангу бехаловатлик». Фильм-концерт. 21.00 «Пўлда». Телевизион бадиий фильм (рус.).

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ
14 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-04, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р-13102. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1379.